

БУХОРО КУЛОЛЧИЛИК МАКТАБИ

Гаипова Мухайё Тулягановна

Камолиддин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институт

Санъатшунослик ва музейшунослик факультети

Санат тарихи ва назарияси кафедраси

катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон амалий санъатида кулолчилик мактаблари алоҳида ўрин тутади. Улар орасида Бухоро кулолчилик мактабига мансуб марказлар фаолияти миллий санъатни сақлаш, ривожлантиришда аҳамияти улкан. Мақолада Бухоро кулолчилик мактаблари усталари фаолияти, сулолавийлик ва “устоз-шогирд” масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Сулола, анъана, товоқ, бодия, Риштон, чинни, хунарманд, кошин, нақш, қўрғошин.

АННОТАЦИЯ

Художественные керамические центры занимают особое место в прикладном искусстве Узбекистана. Среди них большое значение в сохранении и развитии национального искусства имеет деятельность центров, принадлежащих Бухарской школе гончарства. В статье рассматривается деятельность мастеров бухарских гончарных школ, вопросы преемственности и «усто-шогирд» («мастер-ученик»).

Ключевые слова: Династия, традиция, тарелка, бодия, Риштон, фарфор, мастер, изразец, узор, свинец.

ABSTRACT

Ceramic art centers occupy a special place in the applied arts of Uzbekistan. Among them, the activity of the centers belonging to the Bukhara School of Pottery is of great importance in the preservation and development of national art. The article discusses the activities of the masters of Bukhara pottery schools, issues of continuity and “usto-shogird” (“master-disciple”).

Key words: Dynasty, tradition, plate, bodia, Rishton, porcelain, craftsman, tile, pattern, lead.

Мамлакатимиздаги маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш, миллий маданий ва маънавий меросни сақлаш ҳамда ривожлантириш, халқимизни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш бўйича ката ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда, бугунги кунга келиб, халқ ҳунармандчилигининг ривожланиши учун хуқуқий асослар ҳамда амалий йўл-йўриқлар шакллантирилган. Миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, бандбўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оиласарни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида Президент қарори қабул қилинди [1]. Айнан шу қарорлартурли вилоятдаги бадиий ҳунармандчилик марказларини янада тараққий этишига хизмат қилди.

Бу жараёнда Ўзбекистонда кулолчиликнинг қадимий марказлари ва бугунги кунда тараққи этаётган мактабларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Улар орасида Бухорода Фиждувон, Риштон мактаблари, Хоразм, Самарқанд, Ургут, Андижон қулолчилик мактабларини ривожи, ички ва ташқи иқтисод ҳамда туризмни ривожлантиришдаги ўрни катта. Ҳар бир мактаб ўзининг ривожланиш ва ижодий тамойиллари, етакчи марказ ва усталари, бошқа мактаблардан фарқловчи хусусиятлари билан белгиланади. Улар ўз қонуниятлари доирасида фаолият кўрсатади ва асосий бадиий тамойиллари умумийлигини сақлаб қолади.

XVIII-XIX асрларда сопол ишлаб чиқаришнинг йирик марказлари Самарқанд, Фиджувон, Бухоро, Денов, Хива, Каттабоғ, Риштон, Фурумсарой бўлиб қолган. Бу даврда кулолчилик ҳунарининг янги ривожланиш босқичи келади. Унинг хиллари ўзига турли шакл ва хажмдаги идишларни (товок), идишлардан (хурма, хурмача, чоргуша, дугуша), катта ва кичик, тузилиши жиҳатдан мураккаб ёки идиш нисбатлари жиҳатдан аниқ (коса, шокоса, пиёла), кўзалардан (кўза, офтоба), чукурларидан (тогора), патнис ва бошқаларни ўзида жамлаган [2].

Риштонда ўрта асрларда йўқолиб кетган ганч – чинни ишлаб чиқариш техникасини XVIII асрда қайта тиклаган aka-ука Абду Жалол (“Уста Абдужалол”, “Уста Жалил”) ва Абдужамил (“Уста Абдужамил”, “Уста Кури”) ўз ишларининг буюк усталари ҳисобланганлар. Кулоллар чинни ишлаб чиқариш усулини

Кашғар ва Эрон давлатларидан олиб келишган. Уларнинг шогирди Калли Абдулло (“Кал Абдулло”) лақаби остидаги – чиннимутахассиси Абдулла Кулол (1797-1872) оқибатда Риштоннинг барча кулоллари учун Уста-оқсоқол бўлиб етишган. XIX аср бошларида Риштоннинг кулол маҳсулотлари нафақат Фарғона водийсида балки бутун Марказий Осиё бўйича юқори талабга эга бўлган. Шаҳар 300 тадан ортиқ киши ишлайдиган 100 га яқин кулол устахоналарини ўз ичига олган. Ушбу даврда Кўқон хонлиги ва Шарқий Туркистонхунармандлари билан узвий алоқалар ўрнатилган. Россия империяси даврида кулол ишлаб чиқариши бевосита қўллаб-қувватланган. XX аср бошларида Риштон 300 та киши ишлайдиган 80 тадан ортиқ хунармандчиликка оид кулол устахоналарини ўз ичига олган. Риштон кулолларининг маҳсулотлари Марказий Осиёнинг барча шаҳарларига келиб тушган. Баъзи хунармандлар эса Кўқон, Марғилон, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳар бозорларида ўзларининг шахсий савдо дўконларини очишни бошладилар. Шунингдек, Риштонга Конибодом, айрим пайтда Ғиждувон, Қарши, Шахрисабз шаҳарларидан усталар ўзаро тажриба алмасиши учун ташриф буюришган [8].

XX аср бошларида кулолчиликда услубий ўзгаришлар қўзга ташлана бошлади. Орнаментга чойидиши, қўза, чолғу асбобларидан тортиб, милтиқ ва пичоқларнинг тасвиirlари олиб кирилган. Шу давр Ғиждувон кулолчилиги безагида ҳайвонотга оид белгиларнинг қўплиги, ҳандасавий нақшнинг етакчилиги ўзига хос хусусият сифатида намоён бўлади. Кўплаб кулолчилик марказларида ширкатлар, курс, мактаблар ташкил этилган. Бу даврда кулоллар анъанавий лаган, товоқ, бодия коса, кўзалар ясашган. Уларни мўйқаламда нақшу-нигорлар билан безашган, ўйиб нақш битишган, қолипда гул ясад ёпиширишган. Кулолчиликнинг машҳур марказлари ўзининг маҳаллий ўзига хос бадиий ўзгаришларини сақлаб қолган. 1960-йиллар охиридан кулоллар маҳсулотларига талаб камайгани сабабли Ўзбекистон анъанавий кулолчилигида қатор ноёб марказларнинг фаолияти тугатилади. 1980- йиллар иккинчи ярми ва 1990- йиллар бошида Ўзбекистон анъанавий кулолчилигидаги энг ноҳуш ҳолат кузатилади. Умумий иқтисодийқийинчилик худди шу даврда юз берган эди. 1993- йилдан Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий вазият барқарорлаша бошлагач, ахвол бирмунча мўътадиллашди. Риштон усталари ўз буюмларининг асосий анъанавий шаклларини тикладилар ва ҳозирги пайтда сопол идишнинг икки хилиниясамоқдалар.

Бухора кулолчилик марказлари орасида Риштон алоҳида ўринга эга. Риштонда ишқорли сир тайёрлаш йўсини қайта тикланган ва усталар ундан ўз

идишларини бўяшда фойдаланишган. Буюмлардаги безаклар марказ кулолчилигига хос бадиий хусусиятларни белгилайди. Риштон кулолчилиги нақш-гул турларига хос жуда бойдир. Унда Ўзбекистонда фойдаланилаётган кулолчилик буюмларининг барча нақш-гул турлари: ҳандасавий ва ислимий нақшлар, рамзий белгилар, буюм тасвиirlари, ҳайвонлар ва одам тасвиirimавжуд. Бухоро – Самарқанд мактаби кулолчилигининг асосий хусусияти технологик омил – қўрғошин-ложувард ва яшил-сариқ ҳамда жигарранг бўёқлардан фойдаланишибилан боғлиқ. Бу кўп ҳолларда буюмларнинг рамзий жаранг касб этишини белгилайди. 1990- йилларда бу мактаб буюмларида ўз шакл жиҳатидан олдинги ўн йилликлардаги анъаналар ривожлангани сезилади. Бу анъаналар Фиждувондаги кулоллар сулоласи вакиллари: ака-ука Алишер ва Абдулла Нарзуллаев ясаган буюмларда яққол кўринади. Бухоро – Самарқанд мактабининг турли марказларида гул тушириш йўсини ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, Фиждувон ва Шахрисабз усталари, асосан, мўйқаламда нақшу- нигор чизадилар. Ургут ва Денов усталари эса кўпинча ўйма гуллардан фойдаланадилар. Умуман ўтган асрдаги анъанавий кулолчилигига ишлаб чиқариш марказлари, усталар миқдори камайиб кетиши, ишлаб чиқарилган буюмлар тури ва улар техник сифати пасайиши қузатилади. лойдан ясалган ва бўялган ўйинчоқларни ҳам сирланмаган сопол буюмлар сирасига киритиш мумкин.

Олимларнинг 2012-йилда Уба қишлоғи (Бухоро вилояти)га қилган экспедитсия натижасида шу аён бўлдики, Ҳамробиби Раҳимованинг ўғли Жаббор Раҳимов бирор шогирд тайёрлаб қолдирмаганлиги боис лойдан ўйинчоқ-хуштак ясашнинг қадимий анъанаси бу эрда барҳам топган. Убанинг ягона ўйинчоқсози Кубаро Бобоева қолиплар ёрдамида гипсдан йирик ҳайкалли шакллар тайёрлашга ўтгани хунармандчилик бу турининг қадр-қиммати тушиб кетиши ва айнишга олиб келди. Амбар опа Сатторова ясаб келган ғилдиракли қуш ва ҳайвонлар кўринишидаги Касбининг машхур ўйинчоқлари бирмунча аввалроқ барҳам топган эди. Ҳозирги пайтда эса бу кўринишдаги ўйинчоқларни Фиждувонда Нарзуллаевлар ва Самарқандда Мухторовлар сулоласи вакиллари ясашмоқда. 1960-йилларда Самарқанд терракота мактабига асос солган машхур уста Абдураҳим Мухторовдан сабоқ олган келини Дијором Мухторова ушбу мактаб анъаналарини давом эттироқмокда. А.Мухторовнинг ўғиллари Зариф ва Ислом 1980 – 1990-йилларда эртаклардаги аждархолар ва фолклор образлари устида фаол иш олиб бордилар. Бироқ улар кўп ишлашмади. Ҳозир факат Дијором Мухторовафолклор мавзусида терракотадан композитсиялар ясамоқда. У лойдан

ҳайвонлар ва халқ әртаклари қаҳрамонларининг турли композициядаги 100 дан ортиқ кўринишини ясаган.

Риштонлик уста Ш.Юсуповнинг ўғли Фирдавс Юсупов 2012 йилдан терракотали ўйинчоқларни бўёқсиз ясашни бошлади. Унинг узунлиги 10 см -15 см гача бўлган эртак қаҳрамонлари XX аср охирида ўратепалик уста Ғофур Ҳалилов ясаган ҳажми 20 см – 40 см.гача бўлган, устки қисми оқ- қизил-кўк оҳакли бўёқ билан қопланган йирик ҳажмдаги фантастик образларни эслатади. Бироқ илдизи бошқа марказларга алоқадор ушбу Риштон ўйинчоқлари яратилиш тажрибаси моҳиятнан муаллифлик ёндашишини намоён этади.

Риштон кулолчилиги анъаналарини давом эттирувчилар кейинги йилларда бирмунча кўпайди. Бироқ буюмларнинг технологик ва нақшли композитсиялари бадий қиймати жиҳатидан унчалик юқори даражада эмас. Ҳозирги пайтда, Шарафиддин Юсупов ва Бахтиёр Назаров Риштон кулолчилигининг юксак анъаналарини давом эттириб, самарали меҳнат қилишмоқда. Гурумсарой кулолчилиги анъаналарини эса машхур уста Маъсуд Туроповнинг шогирди Ваҳобжон Буваев изчиллик билан ривожлантириб келмоқда. Ғиждувон ва Ургутда усталар сулоласи бир маромда ишлаб келишмоқда. Ғиждувонлик машхур кулол Ибодулла Нарзуллаев анъаналарини унинг ўғиллари Алишер ва Абдулла Нарзуллаев давом эттиримоқда. Ургутда кулолчилик санъатини Маҳкам Облоқуловнинг ўғли Нўймон Облоқулов ривожлантиримоқда. Хивада маҳаллий кулолчилик анъаналарини хивалик машхур уста Одилбек Матчоновнинг фарзандлари Модир қишлоғида ва қўшни қишлоқ Каттабоғда яшовчи кулол Баҳодир Отажонов давом эттиришмоқда. Юқорида номлари келтирилган усталар ва кулолчилик марказлари замонавий кулолчиликнинг маҳаллий мактаблари хусусиятларини сақлаб қолган. Шунингдек, уларнинг буюмлари ўзида шу марказларга хос технология ва нақшинкорликни намоён этади.

Бухорони кулолчилик жаннати деб аташади. Сир синоат ва қўхна ўтмишга эга Бухоронинг хар ерида, меъморий кошинларидан то майший буюмларига қадар ҳар ерда кулолчилик буюмларини учратиш мумкин. Бухоронинг бадий кулолчилик мактабида ҳалқнинг хақиқий ижодий қудрати содда ва ифодавий тилда намоён бўлган. Ғиждувон кулолчилиги, лой ҳайкалчалар, ўйинчоқ ва майший буюмлар – буларнинг барчаси ўзига хос нақшлари ва қайтарилмас безаклари билан ўзбек ҳалқининг олийжаноб ва самимий қалби, характери ва уникал маданиятини намойиш этади. Сирланган ва сирланмаган кулолчилик буюмлари ҳар бир етакчи марказда шакл, нақш, безак ва колорити хусусиятига кўра фарқ қилган.

Ғиждувон маркази, хусусан Алишер Нарзуллаев ижоди орқали сўнгги ўн йилликда буюмларнинг ассортименти кўпайиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли. Жумладан идиш, пиёла, кўза, шокоса, коса, сув учун мўлжалланган идиш, маҳсулотлар сақлашга мўлжалланган хумлар. Нафақат маҳсулотлар тури, балки уларнинг сифати ва бадиий безагига ҳам усталар томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Усталар ҳар бир мактаб ёки марказнинг маҳаллий ўзига хослик сифатларини сақлаб қолиш билан бир қаторда унтилган шакл ва тасвирларни қайта тиклашга харакат қилишмоқда. Шу билан бирга Бухоро марказларида янгидан янги тасвирий ва безакли мотивлар пайдо бўймоқда.

Бухоро кулолчилигига яшилсимон-сариқ гаммадаги, қарама қарши рангларга қурилган ранглар мажмуи хос. Шу хусусияти билан уни узоқдан ажратиб олиш мумкин. Бухоронинг ажойиб “учпу-лак” майда ҳайвончалар бўялган хайкалчалари жуда машҳур. Бухоро-Самарқанд мактабига хосбўйланган мазкур хунармандчилик тури йўқоиб кетмоқда.

Ғиждувон кулолчилик мактаби хандасавий шакллар ва нақшинкор гуллар билан ажралиб туради. Энг машҳур кулоллардан бири Ибодулло Нарзуллаев саналади. Айнан у Бухор кулолчилик мактаби асосчиси саналади. Ибодулла Нарзуллаев индивидуал қулолчилик стилини яратиб, ўз маҳорати ва малакасини ўғиллари Алишер ва Абдулло, қизи Нодирага ўтказган. Улар сулоланинг олтинчи авлоди бўлиб, оиласи анъанани давомчилари ва сақловчилари ҳисобланадилар.

Хозирги пайт миллий кулолчиликни ривожлантириш, унинг ўзига хос табиатини, ундаги азалий нақшинкорликни ва Ўзбекистон қулолчилигининг бадиий-қиёфаси тузилишини сақлаб қолиш долзарб муаммо бўлиб бормоқда. Ижодий ва ташкилий хусусиятга эга муаммоларга қарамасдан, мустақиллик даврида юз берган ижобий натижалар кишини қувонтиради. Халқ устакулолларининг ижтимоий мавқеи ошди. Ўзбекистонда ва қўшни мамлакатларда қулолчилик анъаналарига қизиқиш сезиларли даражада ўсади. Кўпгина усталар ўз маҳоратларини янада ошириш ва мустаҳкамлаш учун хорижий мамлакатларга ижодий сафарларга жўнатилди. Улар, Шунингдек, чет элларда шахсий кўргазмаларини ўтказишга муваффақ бўлишди.

Ўзбекистон қулолчилик санъатини ривожини ва бугунти кунда фаолият юритаётган мактабларни тадқиқ этиш асосида улар орасида Бухоро мактаби ва унинг марказлари алоҳида ажралиб турилиши алоҳида таъкидланди. Бухоро қулолчилиги марказларида ижод қилувчи усталар ижодида анъанавий усуллар ва шакллар сақланиб қолганлиги очиб берилди. Шу билан бирга анъанавий усуллар

техник ва бадиий безак жиҳатидан янгиланиш жараёни содир бўлаётганлиги таъкидланди. Бу янгиланишлар асосан, буюмлар шакли ва баъзи нақш унсурлари ўзгариши билан боғлиқdir. Риштон усталари – Рустам Усмонов, Фирдавс Юсупов, Алишер ва Бахтиёр Назиров ижодида нақш мавзуларига бирмунча эркин ёндашиш аниқ кўринади, дейиш мумкин. Иккинчидан, уста-кулолларнинг шахсий-ижодий ташаббуси анча аниқ намоён бўлган бу буюмларда фойдаланилган усул ва нақшли безаклар муайян маҳаллий анъаналарга боғлиқ бўлмаган тарзда кенгайтирилган. Бухоро кулолчилиги бошқа маҳаллий мактаблардан яшилсимон- сариқ гаммадаги ранглар мажмуи билан ажralиб турди. Ғиждувон кулолчилик маракази хандасавий шакллар ва нақшинкор гуллар билан ажralиб турди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539 сон қарори.
2. Хакимов А. “История искусств Узбекистана”: Учебное пособие / А. Хакимов; – Т.: «Info Capital Group», 2018. –372 с.
3. Веймарн Б.В. Искусство Средней Азии, М., 1940.
- 4.Рахимов М.К. Художественная керамика Узбекистана. Ташкент,1961.
- 5.ХакимовА. Художественное наследие ислама // Мозийдан садо, 2006. №2.
- 6.Максумова, Ф.А. (2022). Ландшафтный дизайн в городской среде. взгляд в прошлое, (SI-1).
- 7.Хайитбобоева Х.П., Джўраева М.З. [Тошкент ёғоч ўймакорлигига Ибрагимовлар сулоласининг ўрни](#) / Восточный ренессанс: инновационные, образовательные, естественные и социальные науки.
- 8.D Alimkulova - ACADEMICIA: An International Multidisciplinary ..., 2021
9. Култашева Н. Development of portrait of Uzbekistan during the early 20th century. Journal jf Contemporary Issues in Business and government. Vol.27https://cibg.org.au/article_9884.html
10. <https://meros.uz/uzc/object/rishton-kulolchiligi>